MCHJ «M A S L A X A T A U D I T- M» AT

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шахри, Байналминалчилар-5,
АТ Ипотека банки Жиззах вилоят филиали МФО 00122, х/р.20208000404136258001, СТИР 203679800, ХХТУТ 84400,
Телефакс: (8372) 226-55-78 , тел.: +99891-591-49-37 Эл.почта Maslaxataudit@mail.ru.

28.04.2017 й. Жиззах шахри

«Дўстлик пахта тозалаш»
акциядорлик жамияти раҳбарига

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулоса «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, Ҳамза кўчаси 1-уйда жойлашган. 2016 йил 8 август июн куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №DT001016- сонли гувохнома бўйича қуйдаги кодлар берилган ХХТУТ (ОКОНХ) 17111, Солик тўловчи сифатида Дўстлик туманида руйхатга олиниб 200998873-сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ Агро банк Дўстлик бўлими (МФО 00129) талаб қилунгунча депозит ҳисоб рақами 2021 0000 2003 9395 2001.

Мен, MCHJ MCHJ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.Шарипов *(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04913-рақамли аудиторлик малака сертификат 22.01.2016 йилда берилган)* томонидан хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декаргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланс» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» лардан иборат «Молиявий хисоботи»нинг ишончлилигини 2017 йил 15 март куни тузилган №126-сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим. MCHJ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» АТга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 26 июлда берилган №658-сонли гувохнома ва аудиторлик фаолияти билан шугулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2014 йил 31 январда 00261-сонли лицензия берилган. Юридик манзил: Жиззах шахри, Байналминал кўчаси, 5-уй. Хисоб-рақами 20208000404136258001, "Ипотека банк" АТИБнинг Жиззах филиали, МФО 00122, ИНН 203679800, ОКОНХ 84400, №33-0/001–рақамли суғурта полиси "Кафил-суғурта" МЧЖ томонидан 2017 йил 4 январда берилган.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофик келади

Ксеро нусха хақиқий эмас.

Бош директор **М.Гулбаев**

Аудитор **М.Шарипов**

«Дўстлик пахта тозалаш» АЖ рахбарига

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти (СТИР 200998873) нинг 2016 йил "Молиявий хисобот"ларини текшириш натижаси бўйича

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТ.

2017 йил 28 апрель Дўстлик шахри.

I АУДИТОРЛИК ХИСОБОТНИНГ КИРИШ КИСМИ.

1.1. Аудиторлик ташкилоти хақида маълумот

MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT аудиторлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 26 июлда берилган № 658-сонли гувохнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2014 йил 31 январда 00261-сонли лицензия берилган. Жиззах шахри Байналминал кўчаси 5-уйда жойлашган ва 20208000404136258001хисоб рақами 00122 банк коди билан Ипотека банкнинг Жиззах вилоят бўлимида очилган. №33-0/01–ракамли суғурта полиси "Кафил суғурта" МЧЖ томонидан 2017 йил 4 январда берилган.

Ушбу аудиторлик хисобот MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT аудитори М.Шарипов *(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04913-ракамли аудиторлик малака сертификат 22.01.2016 йилда берилган)* томонидан МЧЖ шаклидаги «Maslaxataudit-M» аудиторлик ташкилоти билан «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2017 йил 15 март куни тузилган 126-сонли «Аудиторлик хизмати кўрсатиш» шартномасига асосан мажбурий тарзидаги жамиятнинг 2016 йил 1 январ кунидан 31 декабр кунига қадар бўлган даврдаги хўжалик молиявий фаолиятига тузилган молиявий ҳисоботга Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига мувофиклиги юзасидан тайёрланди.

1.2 Умумий маълумотлар

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг тастикланган Низоми бўйича юридик манзили: Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, Ҳамза кўчаси 1-уйда жойлашган. 2016 йил 8 август июн куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, № DT 001 016-сонли гувохнома бўйича куйдаги кодлар берилган: тармоқ коди ХХТУТ (ОКОНХ) 17111, ташкилий–хукукий шакли ТХШТ (КОПФ) 153; мулкчилик шакли МШТ (КФС) 144; почта манзили МХОБТ(СОАТО) 1708215501; юридик шахс коди КТУТ (ОКПО) 05579140; Солик тўловчи сифатида Дўстлик туманида руйхатга олиниб 200998873 сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ Агро банк Дўстлик бўлимида (МФО 00129) 2021 0000 2003 9395 2001 талаб килунгунча депозит хисоб рақамига эга. Дўстлик тумани хокимлиги томонидан 19.10.2010 йилда улгуржи савдо фаолияти бўйича AD № 014-сонли лицензия берилган.

Аудиторлик текширишга тақдим килинган ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик хисоботларнинг хамда молиявий хисоботларни бирламчи бухгалтерия хужжатларининг, бошка аудиторлик текширишга таълукли маълумотларнинг тайёрланиши, тўғрилиги ва хаққонийлиги учун «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти рахбари биринчи имзо хукуки билан Ҳ.Абдурасулов, иккинчи имзо хукуки билан бош бухгалтер А.Ҳазраткулов аудиторлик текшириш ўтказилган даврга жавобгардирлар.

Аудиторлик текширишда Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги (янги тахрирдаги) ва «Бухгалтерия тўғрисида»ги қонунларидан, «Бухгалтерия хисоби миллий стандартлари»дан ва бошка амалдаги конунчиликлардан «Солик кодекси» (*янги тахрири)*дан, «Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари»дан, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларидан, Вазирлар Махкамасининг қарорларидан, Адлия Вазирлигида давлат рўйхатига олинган ва амалда қўлланилаётган йўриқнома хамда тартиблардан фойдаланилди.

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти 1994 йил 2 декабрдаги 305-сон буйруги асосида ташкил этилган. Жиззах вилоят хокимлиги Адлия бошкармасидан 25.05.1995 йилда

давлат руйхатидан ўтиб гувохнома олган. Дўстлик туман хокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 13.08.2010 йилда 1016-реестр ракам билан кайта руйхатга олинган. Дўстлик иуман хокимлиги хузуридаги Тадбиткорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш ягона дарча Маркази томонидан 2016 йил 8 август июн куни №146-реестр тартиб раками билан кайта руйхатга олиниб, №DT001016-сонли гувохнома берилган.

Низомга кўра «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятнинг манзили: Жиззах вилояти. Дўстлик тумани. Ҳамза кўчаси 1 уй.

Давлат рўйхатига олинган Низомга асосан жамият фаолиятининг асосий максади ва вазифаси ўз акциядорларига фойда топиш хисобланади. Жамият фаолиятининг предмети куйидагилар хисобланади:

- Пахтани кабул килиш, кайта ишлаш ва пахта махсулотларини сотиш,
- Уруғлик чигит тайёрлаш ва сотиш,
- Туманнинг қишлоқ хўжалик шартномалари асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар хар кандай корхона, ташкилот, хўжалик, дехкон, фермер хўжаликлари ва ахолидан берилган буюртмалар кабул килиш.
- Ишлаб чикариш техника базасини ривожлантириш,
- Ҳар хил халк истемоли товарлари ва бошка турдаги хом-ашё, иккиламчи табиий ресурслар саноат чикиндиларидан фойдаланиб, кенг турдаги халк истеъмоли моллари ва товарлари ишлаб чикариш, сотиш.
- Қишлоқ хўжалик махсулотлари, чорва, паррандачилик бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил килиш,
- Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мос келган холда ташки иктисодий алоқа ўрнатиш, шу жумладан эскпорт – импорт операцияларини амалга ошириш,
- Барча худудларда ўз ваколатхоналарни ва савдо шаҳобчаларини барпо этиш,
- Ўзбекистон Республикаси конунчилилига асосланган холда жамият қошида қўшни ва МДХ давлатлари билан пахтани кайта ишлайдиган қўшма корхоналар тузиш,
- Товарлар ишлаб чикариш ва сотиш, фукароларга, корхона ва ташкилотларга иш бажариш ва хизмат кўрсатиш,
- Умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш кабилар киради.

Жамиятнинг Низом жамғармаси 650 000,0 минг сўм миқдорида тасдикланган, шундан хар бирининг номинал киймати 100 сўмдан бўлган 6 495 943 донаси оддий, 4 057 донаси имтиёзли акциялардан иборатдир.

Жамиятнинг Низом жамғармаси куйидагича тақсимланган:

- "Жиззахпахтасаноат бирлашмаси" А.Ж. бошкарувига берилган давлат улуши (давлат активи) - 6 062 314 *дона 606 231 400 сўм 93,27 %*
- Мехнат жамоаси улуши - *163 631 дона 16 363 100 сўм 2,52 %*
- Бошка акциядорлар улуши - *273 738 дона 27 373 800 сўм 4,21 %*

Жами 6 500 000 дона 650 000 000 сўмлик 100 %

Жамиятнинг устав фонди 650000,0 минг сўмга етказилган эмиссия рисоласи қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиклаштириш ва назорат қилиш марказининг Жиззах вилояти бошкармасидан рўйхатдан ўтган.

1.3 Аудиторлик текшириш усуллари

Маскур жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини юритишда *норматив-хукукий базаси бўлиб, куйидагилар хисобланади:*

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги конуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг № 670-1 29.08.1998 йил. «Хўжалик юритувчи субъект ларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» конуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Солик Қодекси».
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фукаролик Кодекс».
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.1999й кунги №54-сон қарори билан тасдикланган «Харажатлар таркиби тўғрисида» Низом

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 27.12.2002 й кунги № 140 сон буйруғи «Молиявий хисоботлари тўлдириш тартиблари».
7. Бухгултерия хисоби миллий стандарт № 1. «Хисоб сиёсати ва молиявий хисоботлар».
8. БХМС № 2 «Асосий фаолият бўйича даромадлар».
9. БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида»ги хисобот.
10. БХМС № 4 «Товар моддий захиралар».
11. БХМС № 5 «Асосий воситалар».
12. БХМС № 6 «Аренда хисоби».
13. БХМС № 7 «Номоддий активлар».
14. БХМС № 19 «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш».
15. БХМС № 21 «Хисобвараклар режаси ва ундан фойдаланиш инструкцияси».
16. Бошка норматив-хукукий хужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги конунининг 10-моддасига асосан корхона йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текшириш ўтказувчи корхоналар таифасига киради.

Ушбу аудиторлик текшириш ўтказишнинг максади «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабргача даври учун тайёрланган молиявий хисоботларини, такдим этилган хисобот ва маълумотлар бўйича аудиторлик фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги хужжатлари, «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Конуни, аудиторлик фаолияти миллий андозалари (70-сонли АФМС), аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари ва 2017 йил 15 март куни тузилган 126-сонли шартномага мувофик ўтказилди. Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисоботининг тайёрланиши ва хакконийлиги учун «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти рахбари жавобгар хисобланади. MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT мазкур молиявий хисобот бўйича билдирилган фикрлар учун маъсулдир.

Ушбу андозалар аудитни ўтказишни режалаштириш ва ташки фойдаланувчиларни молиявий хисобот мухим жихатлар бўйича жиддий бузилишларга (5% дан ошик) эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади. Аудиторлик текшируви хакконийликни ва молиявий хисобот хамда бошка молиявий ахборотнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиклигини бахолашга асосланади. Аудиторлик текшируви молиявий хисоботлар маълумотларини такдим этилган бухгалтерия хисоботлари ва маълумотлари асосида тузилганлигини текшириш, тестлар ўтказиш ва молиявий хисобот маълумотларини тахлил килишни ўз ичига олади.

Аудиторлик амалларини танлаш аудитор мулохазасининг предмети хисобланиб, у молиявий хисоботдаги мухим бузиб кўрсатишлар бўйича рискларни бахолашга асосланади. Ўзбекистон Республикасининг №9-сонли «Мухимлик ва аудиторлик риск» АФМСга асосан аудитор мухимликнинг энг юкори даражасини белгилашга хакли. Мухимлик даражасининг ўртача даражасини 5% ва аудиторлик рискнинг даражаси 10% микдорида белгиланиши режалаштирилди. Бу кўрсаткичлар яъни мухимлик даражаси 5% лиги. Молиявий хисоботнинг фарки хакикий кўрсаткичдан 5%гача фарк килади деб хисобланишини билдиради.

Текшириш натижаси такдим этилган молиявий хисоботлар ва бирламчи хужжатларнинг таккослаш, тестдан ўтказиш ва танлов асосида текширишга асосланади.

Жамият томонидан куйдаги молиявий хисоботлар такдим этилди:

1. «Молиявий хисобот» нинг 1-шакл «Бухгалтерия баланси»
2. «Молиявий хисобот» нинг 2-шакл «Молиявий натижалар»
3. «Молиявий хисобот»нинг 4-шакл «Пул окимлари тўғрисида»
4. «Молиявий хисобот»нинг 5-шакл «Хусусий капитал тўғрисида»
5. Солик хисоблари ва максадли давлат жамгармаларига ажратмалар хисоби бўйича маълумотлар.

Аудиторлик текшириш натижасида тузилган аудиторлик хисоботи асосида тузилган аудиторлик хулосасидан ташки фойдаланувчилар томонидан «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия хисоботига таъсир килувчи ёки таъсир килишга ёрдам берувчи бошка холатлар йўклигини кафолатловчи аудиторлик хулосаси сифатида шарх этилмаслиги керак.

II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

1. Ички назорат ҳолатини таҳлил қилиш.

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоботлари аудитини режалаштириш ва ўтказиш жараёнида ички назорат тизими (ИНТ) ҳолати №12-сонли "Аудиторлик текшируви пайтида ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш" АФМС асосида кўриб чиқилди. ИНТ ни ташкил этиш ва унинг ҳолати бўйича жамият ижро этувчи органи жавобгар ҳисобланади.

Ички назорат тизими самарадорлиги асосий мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан баҳоланди. Бу ўз навбатида маълумотнинг тўлик ва аниқлиги даражаси, активларнинг сақланиши ва маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлайди.

Ички назорат тизимини баҳолаш учун аудиторлар назорат муҳитини куйдагилар бўйича тахлил килинда ва баҳоланди:

- Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва услуби
- «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ташкилий таркиби
- Масъулият ва ваколатларининг тақсимланиши
- Амалдаги кадрлар сиёсати
- Ички башқарув ҳисоби амалдаги тартиби, ички ҳисобот таркиби ва мазмуни, ички ҳисоботни тайёрлаш асослари
- Ички нарматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси нарматив ҳуқуқ актларига мувафиклиги, ички меъёрлар ва коидаларга жамият ва жавобгар шахслар томонидан амал килиниши
- Баҳолаш сиёсати

Ички назорат тизими мослиги ва самародорлигини баҳолаш учун аудиторлар томонидан ташқи файдаланувчилар учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизими тахлил этилди ва баҳоланди.

Аудитор томонидан хўжалик таваккалчилигини минималлаштиришга, жумладан активларнинг сақланишига ва тўлай олмаслик таваккалчилиги раҳбарият амалиётини тахлил килинди ва баҳоланди.

Ички назорат тизими самародорлигини аниқлашда ҳуйдаги омиллар назарда тутилди:

- Маълумотлатнинг шакланишида қатнашувчи ходимлар доираси ва иш юритиш бўйича улар ўртасидаги муносаботларни тартибга келтириш ва маълумотларнинг шаклланиши.
- Ресурсларни тақсимоти бўйича карор қабул килувчи турли даражадаги бошқарув ходимларнинг лимит масъулияти белгиланганлиги (борлиги).
- Жамиятда ҳужжатлар айланиши графигининг мавжудлиги.
- Назорат килувчи техник воситаларнинг мавжудлиги.
- Компьютер операциялари устидан назоратнинг самараси

Жамиятда мавжуд бўлган ички назорат тизими юқорида қайд этилган назоратнинг муҳим обеъктларини назарда тутади.

Ички назорат тизимини кучайтирувчи қўшимча омиллар:

- Жамият таъсисчиларини ваколати орқали назорати.

Жамиятнинг 2016 йил 29 июнь куни навбатдаги акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланган.

Ички назоратнинг ташкил килиниши ва амалга оширилишини текшириш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

- 2016 йилга «Ички мехнат интизоми тартиби» ишлаб чиқилган;
- 2016 йил учун «Жамоа шартномаси» тузилган;
- 2016 йил учун штат жадваллари тузилган.
- Жамиятда 2016 йил учун «Ҳисоб сиёсати» ишлаб чиқилган.

Кирим ва чиқим алокаларини рўйхатга олиш китоби мавжуд булиб, буйруқларни рўйхатга олиш китоби юритилган ва буйруқлар тегишли тартибда рўйхатга олиб борилган.

Бухгалтерия хисобини олиб бориш хизмати. «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бош бухгалтер жавобгар ҳисобланади.

Бухгалтерияда иш ҳаки ҳисоб-китоблари электрон жадваллар асосида ташкил қилинган ҳамда даромад ва харажатлар ҳисоби ҳам жадваллар кўринишида тузилган. Бухгалтерия ҳисоби мемориал ордерида олиб борилиб, якуний натижалар бош китобда акс эттирилган. БҲМС № 1 "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" га асосан, хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботлар биринчи марта тақдим этилгунга қадар, лекин юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгандан кейин 90 кундан кечикмаган ҳолатда белгилаши зарур.

1.2.Корпоратив бошқарув фаолияти тўғрисида

Жамиятда 2016 йилда акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва кузатув кенгашининг йиғилишлари бўлиб ўтган. Жумладан:

2016 йил 10 февраль куни кузатув кенгашининг 10-сонли йиғилиши бўйича

Йигилиш кун тартибидаги:

"Ўзпахтасаноат" АЖнинг 2016 йил 29 январдаги хати, 2015 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига кузутув кенгаши ва тафтиш комиссисига номзодлар таклиф этиш, янги Низомлар тахририни ишлаб чиқиш ва йил якуни бўйича аудиторлик ташкилотини жалб қилиш юзасидан йиғилишда қарор қабул қилинган.

2016 йил 31 март куни кузатув кенгашининг 11-сонли йиғилиши бўйича

"Холқоро инвестиция форумида эришилган келишувларни амалга ошириш комиссияси"нинг "Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси" 18.03.2016 йилдаги қўшма йиғилиши баённомасини ижро учун қабул қилинган.

2016 йил 10 май куни кузатув кенгашининг 12-сонли йиғилиши бўйича

"Ўзпахтасаноат" АЖнинг 2016 йил 2 апрелдаги ва 28 апрелдаги хатлари бўйича Халқора аудиторлик стандартларига асосан хулоса олиш учун аудиторлик ташкилоти жалб қилиш юзасидан йиғилишда қарор қабул қилинган.

2016 йил 14 июнь куни кузатув кенгашининг 13-сонли йиғилиши бўйича

Жамият кузатув кенгашига номзодларни кўриб чиқиш, 2015 йил соф фойдаси тақсимотини кўриб чиқиш, жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш учун акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва йиғилиш кун тартибини белгилаш юзасидан йиғилишда қарор қабул қилинган.

2016 йил 30 июнь куни 2015 йил якуни бўйича ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги 1-сонли умумий йиғилиши бўйича.

Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йигилиши кун тартиби бўйича 25 та масала киритилган бўлиб, барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Жумладан; 8 масала жамиятнинг 2015 йил якуни билан олинган соф фойдани тақсимлаш масаласи булиб, ушбу масала акцидорларнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиши режалаштирилган навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқишга қолдирилган. Лекин йил давомида брнка умумий йигилиши ўтказилмаган ва соф фойда тақсимланмаган.

2016 йил 11 август куни кузатув кенгашининг 1-сонли йиғилиши баённомаси бўйича

Кузатув кенгаши раисини сайлаш, 2016 йил 1-ярим йилик якуни бўйича бош директор ҳисоботини кўриб чиқиш ва ички аудит хизматини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинган.

2016 йил 26 сентябрь шон куни кузатув кенгашининг 2-сонли йиғилиши бўйича

Жамиятда ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш юзасидан қарор қабул қилинган.

2016 йил 15 ноябрь куни кузатув кенгашининг 3-сонли йиғилиши бўйича

Жамият бош деректорининг 9 ойлик ҳисоботини эшитган, йирик битимлар тузилганлиши юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосасини, 2017 йилга мўлжалланган

бизнес-режа лайихасини кўриб чиққан ва ички аудит хизматининг 9 ойлик ҳисоботини эштиб тегишли қарорлар қабул қилинган.

Жамиятда умумий йиғилишлар ва Кузатув кенгашининг йиғилишлари тегишли баённомалар билан расмийлаштириб борилган.

2. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини таҳлил қилиш.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгар жамият раҳбари, бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бош бухгалтер жавобгардирлар (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни).

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши ва юритилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт (БҲМС)ларига мос келиши таҳлил қилинди.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби мемориал ордер шаклида олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297–рақам билан давлат рўйхатига олинган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом»га асосан жамиятда:

- бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш, сақлаш тартиби;
- ҳужжатлар айланувини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган.

Асосий ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадлар ҳамда харажатлар БҲМСга ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ»га асосан ҳисобга олинган бўлиб, ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисобварақларда юритилган.

Жамият Давлат солиқ инспекциясига қуйидаги ҳисобот ва ҳисоб-китобларни тақдим этган: ҚҚС, фойда солиқ, мол- мулк солиғи, ер солиғи, инратизилма ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, дивидент солиғи,мажбурий ажратмалар пенсия жамғармасига, йўл жамғармасига, мактаб таълими жамғармасмига тўловлар, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва иш ҳаки фондидан ягона ижтимоий тўлов, иш ҳақи фондидан фукароларнинг мажбурий суғурта бадали, фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадали.

Жамиятнинг бизнес режаси таҳлили

Жамиятнинг "Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бўлими" томонидан жамиятнинг 2016 йил учун "Бизнес-режаси" ишланиб, кузатув кенгашининг қарори билан мақулланган ва 2016 йил 30 июнь кунги 1-сонли 2015 йил якуни бўйича навбатдаги акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган. 2016 йил давомида нархларга ўзгартириш киритилса ушбу бизнес режадаги харажатлар ўзгариши мумкинлиги тўғрисида изох бериб ўтилган. Бизнес режани ҳақиқатдаги даромад ва харажатлар билан таққосланганда қуйдагича:

(минг сўмда)

№	Даромад турлари	Бизнес-Режада	Хақиқатда	Фоизда
1	Махсулот сотишдан тушум	76 111 199,0	99 113 345,0	130,2
2	Сотилган махсулот учун сарф харажатлар	68 263 080,0	88 463 787,0	129,6
	Ялпи даромад (фойда)	**7 848 119,0**	**10 649 558,0**	135,7
1	Сотиш харажатлари	542 327,0	309 527,0	57,1
2	Маъмурий харажатлар	369 975,0	615 757,0	166,4
3	Сотишдан ташкари операцион харажатлар	5 213 782,0	6 398 540,0	122,7
4	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар	522 000,0	2 535 592,0	485,7
	Жами давр ва молиявий харажатлар	**6 648 084,0**	**9 859 416,0**	148,3
1	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	33 514,0	296 803,0	885,6

2	Солик тўлангунга кадар фойда ёки зарар	1 233 549,0	1 086 945,0	88,1
3	Фойда ва инфраструктура солиги	251 297,0	230 777,0	91,8
	Соф фойда	**982 252,0**	**856 168,0**	87,2

Тахлилда кўринишича: Бизнес режага нисбатан махсулот сотишдан тушган ялпи даромад 130 % ни, жами харажатлар 148 % ни, соф фойда 87,2 % ни ташкил килган. Яъни харажатлар солмоғи даромадларга нисбатан кўп бўлган ёки харажатлар ошиб кетган.

2.1. Узоқ муддатли активлар

Асосий воситалар хисоботи.

Бухгалтерия хисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар хисобланади: *№5-БХМА, №19 БХМА, «Асосий воситаларни хисобдан чиқариш тартиби тўгрисидаги Низом», «Ишлаб чиқарилган ва сотилган махсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини шакллантириш тўгрисидаги низом», «Асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолаш тартиби тўгрисидаги Низом» ва ушбу бўлимга оид бошқа меъёрий–ҳуқуқий хужжатлар.*

Жамиятда товар моддий захиралари хисоби ҳар бир моддий жавобгар шахс ва ҳар бир хисобварақ бўйича алохида аналитик хисобда юритилган бўлиб, моддий жавобгар шахслар моддий қимматликлар кирим ва чиқим бўйича хисоботлар тузиб ва бухгалтерияга топширган.

Асосий воситаларга белгиланган тартибдаги инвентар рақамлари берилган, моддий жавобгар шахсларга бириктирилган.

Жамиятнинг хисоботлари бўйича асосий воситаларнинг бошлангич киймати бўйича харакати 2016 йилда қуйидагича бўлган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Бошлангич (кайта тиклаш) киймати			
		Йил бошига колдик	Келиб тушган	Чикиб кетган	Йил охирига колдик
Бино	010	5 276 212	108 236		5 384 448
Иншоот	020	361 360			361 360
Узатиш масломалари	030	1 179 707			1 179 707
Машина ва ускуналар	040	663 343	123 538	71 133	715 748
Трасспорт воситалари	050	323 198	115 343		438 541
Ишлаб чикариш инвентарлари	070	84 663			84 663
Хўжалик инвентарлари	080	2 879			2 879
Асосий воситаларнинг бошка турлари	120	1 174 374	725 876		1 900 250
Жами асосий воситалар	**130**	**9 065 736**	**1 072 993**	**71 133**	**10 067 596**

Асосий воситларнинг колдиғи жамиятнинг йиллик "Молиявий хисобот"ида тўғри кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдикланган коэффицентларга асосан асосий воситалар 2016 йил 1 январь холатига қайта баҳоланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114–сонли буйруғи билан тасдикланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299–рақам билан давлат рўйхатига олинган 5–сонли "Асосий воситалар" бухгалтерия хисоби миллий стандартига асосан асосий воситалар 2 йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан ЭГ/17–19–2075–рақам билан тасдикланган ва Адлия вазирлигида 1999 йил 19 октябрда 833–рақам билан давлат рўйхатига олинган 19–сонли "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" бухгалтерия хисоби миллий стандартига асосан асосий воситалар инвентаризациядан ўтказилган.

Жамиятда 2015 йилда асосий воситаларга қуйидагича амортизация хисобланган:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Жамгарилган эскириш			
		Йил бошига колдик	Келиб туш-ган (хисоб-ланган)	Чикиб кетган	Йил охирига колдик
Бино	010	2 030 564	199 337		2 229 901
Иншоот	020	260 217	2 033		262 250

Узатиш масломалари	030	480 071	86 867		566 938
Машина ва ускуналар	040	477 675	52 054	10 699	519 030
Траснпорт воситалари	050	312 210	106 890		419 100
Ишлаб чикариш инвентарлари	070	23 247	5 533		28 780
Хўжалик инвентарлари	080	2 232	597		2 829
Асосий воситаларнинг бошка турлари	120	1 146 128	91 877		1 238 005
Жами	130	4 732 344	545 188	10 699	**5 266 833**

Асосий воситларнинг бу эскириш қийматдаги қолдиғи жамиятнинг йиллик "Молиявий хисобот"ида тўғри кўрсатилган. Асосий воситларининг ва уларга ҳисобланган эскиришнинг аналитик ҳисоби юритилган.

Номоддий активлар.

Жамият ҳисоботи бўйича номоддий активлар бошланғич қиймати акс эттирилмаган 2016 йил давомида кирим чиқим бўлмаган.

Узоқ муддатли инвестициялар.

Жамият йиллик «Молиявий хисобот» лари бўйича узоқ муддатли инвестициялар йил бошига 693223,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, йил охирига ўзгармаган. Жумладан: Қимматли қоғозлар "Жиззахнахтасаноат" ХАБ нинг 103294,0 минг сўм акциялари олинган бўлиб, бухгалтерия балансининг 040 сатрида акс эттирилган. Шунингдек баланснинг 050 сатрида йил бошига 589929,0 минг сўм шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялари бухгалтерия хисобининг 0620-счетида хисоби олиб борилган бўлиб, "Бекларов Сухайл" МЧЖга инвецтисия киритилган. Йил охирида 693223,0 минг сўм қолдиқ акс эттирилган.

19-сонли БҲМСнинг 3.35 банди бўйича махсус ташкилотларга сақлаш учун топширилган қимматли қоғозларни инвентарлаш хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия тегишли ҳисобварақларида қайд этилган суммалар қолдиқларини ушбу махсус ташкилотлар кўчирмалари маълумотномалари билан солиштирилади. Жамиятда қимматбаҳо қоғозлар буйича қайд этилган солиштиришлар йиллар давомида ўтказилмаган.

2.2. Жорий активлар аудити.

Товар моддий захиралар ҳисоботи.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар хисобланади: *№4-БҲМА, №19-БХМА, №21-БҲМА, "Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини шакллантириш тўғрисидаги" Низом, "ТМЗлар олишда ишончномалар бериш ва расмийлаштириш тартиби" ва ушбу бўлимга оид бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар*

Жамиятда товар моддий захиралар ҳисоби буйича алохида аналитик ҳисоби юритилган бўлиб, моддий қийматликлар кирим ва чиқим бўйича ҳисоботлар тузилган. Ҳисобот бўйича йил бошига 42 160 769,0 минг сўм, йил охирига 58 161 078,0 минг сўм товар моддий захиралар қолдиғи бўлган. Жумладан: Ишлаб чиқариш захиралари 52 736 056,0 минг сўм, тайёр махсулотлар 5 425 022,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу товар моддий бойликлари моддий жавобгар шахсларга бириктирилган.

Ишончномаларни қайд қилинши аудити

Жамиятда ишончномалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон буйриғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 24 декабр санасида 1245-1 рақам билан рўйхатга олинган «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ» нинг 2- Иловасида кўрсатилган шаклда олиб борилган.

Ишончномани берин чогида "Ишончномаларни хисобга олиш китоби" рақамланади ва ип билан тикилади. Китобнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган

шахсларнинг имзосидан кейин "Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди" деган ёзув қайд этилади ва мухр билан тасдиқланади. Вараклар сони ёзув билан кўрсатилади.

Низомнинг 4 параграф. 11 бандига асосан ишончномалар дафтари ва берилган ишончномаларни хисобга олиш журнали ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириклар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий бойликлар омборга (омборхонага) топширилганлиги тўғрисидаги хужжатларни корхона бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт.

Низомнинг 8-бандига кўра. фойдаланилмаган ишончномалар амал килиш муддати тугаган кундан кейинги санада уни берган корхонага қайтарилиши керак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида ишончномалар берилган ишончномаларни хисобга олиш журналида ("Ишончнома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги қайдлар" устунида) қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар "фойдаланилмаган" ёзуви билан сўндирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан хисобот йили охирига кадар сақланади. Йил тугагач бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу хақда тегишли далолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўк килинади.

Низомнинг 11-бандига кўра. ишончномалар беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши хамда товар-моддий бойликларни ишончномалар бўйича бериш устидан назорат қилиш корхона рахбари томонидан белгиланган масъул шахс зиммасига юкланади.

Жамиятда 2016 йил давомида ишонч қоғозларни бериш учун алохида китоб юритилган, китоб шнурланиб ракамланган ва жамият юмолок мухри билан тасдиқланган. Китобда тартиб раками бўйича 445 дона ишонч қоғозлари берилган. Шундан 117 дона ишонч қоғозлари ишлатилмасдан бекор қилинган. 326 дона ишонч қоғозлар ишлатилиб, хисоботи топширилган. 2 дона, яъни 08.06.2016 йил "Инвест пром бизнес" МЧЖдан ТМЗ олиш учун А.Муленов номига берилган 215-сонли ва 14.10.2016 йил "Сиёб агромаш техник" МЧЖ Жиззах филиалидан шина олиш учун Ш.Нормаматов номига берилган 332-сонли ишонч қоғозлари ишлатиш муддати ўтиб кетган бўлсада ёпилмасдан қолган.

Дебитор қарзлар тахлили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида хисоб–китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–1154–сонли фармонига асосан дебитор ва кредитор қарзлар текширишдан ўтказилди.

Йиллик «Молиявий хисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» 2016 йил 31 декабр холатига 31034425,0 минг сўм дебитор қарзлари мавжуд бўлган. Жумладан: шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг карзи 17041950,0 минг сўмни, ходимларга берилган бўнаклар 170135,0 минг сўмни, мол етказиб берувчи ва пудратчи ташкилотларга берилган бўнаклар 7992728,0 минг сўмни, бюджетга солик ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари 30986,0 минг сўмни, ходимларнинг бошқа операциялардан карзи 4341063, минг сўмни, бошқа дебиторлик қарзлари 1457563,0 минг сўмни ташкил этади. Шундан муддати ўткан дебиторлик карздорликлар хисобот буйича мавжуд эмас.

Жамиятда активларнинг иш фаолиги дебитор қарзларнинг айланиш коэфициенти билан характерланади у куйдаги формула билан аникланди:

Коб.Д.З = Соф тушум : Ўртача дебиторлик карзлар

Дебитор казларининг ўртача қайтиш даври
Ўртача қайтиш даври=365: **Коб.Д.З**

99 113 345,0 / 25 333 810.0 = 3,91 365 / 3,91 = 93

Жамиятнинг Коб.Д.З. = 3,91 дебиторлик казлари қайтишининг ўртача даври 93 кунни ташкил килади.

Йиллик «Молиявий хисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» 2016 йил 31 декабр холатига дебитор карзлар куйидагича кўрсатилган:

(минг сўмда)

№	Қарздорликлар тури	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Фарқи (+;-)	% да
1	Дебитор қарздорликлар жами: шундан	19633196	31034425	11401229	158,1
2	Шуьба ва карам хўжалик жамиятларининг қарзи	231089	17041950	16810861	7374,6
3	Ходимларга берилган бўнаклар	1014460	170135	-844325	16,8
3	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунаклар	13864608	7992728	-5871880	57,6
4	Бюджетга солик ва йиғимлар бўйича бунак тўловлари	125088	30986	-94102	24,8
5	Максадли давлат жамғармаларига бўнаклар	1474		-1474	0,0
6	Ходимларнинг бошка операциялари бўйича қарзлари	2993375	4341063	1347688	145,0
7	Бошка дебиторлик карзлар	1403102	1457563	54461	103,9

Изоҳ: Жадвалда жамиятнинг ҳисобот охирига кўрсатилган дебиторлик қарздорликлар фоиз кўринишида хам акс эттирилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жамиятнинг мавжуд 34808120,0 минг сўмлик дебитор карзлардан асосий кисмини шуъба ва карам хўжалик жамиятларининг қарзи ташкил этади ва жамиятнинг дебиторлик карздорлиги ўтган йилга нисбатан (31034425-19633196)= 11401229,0 минг сўмга ошганлиги аниқланди. Шунингдек йиллик «Молиявий ҳисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» нинг 380 сатрида бошқа жорий активларга 6245734,0 минг сўм акс эттирилган бўлиб, бу бошланғич хисоботлар бўйича нималардан иборатлиги номаълум бўлиб колган.

Дебиторлик қарздорликларинг йилдан йилга ошиб боришига йўл қўймаслик, қарздорликнинг ундириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, балансининг сатрларига бошланғич ҳисоботларидаги суммаларни тўғри акс эттириш тўғрисида жамият рахбарига ва бош бухгалтерига тавсиялар берилди.

Хисоб рақамлари тахлили.

Аудиторлик текшириш ўз камровига олган даврда жамиятнинг АТИБ "Агро банк"нинг Дўстлик филиалида (МФО 00129) ўзининг 2021 0000 2003 9395 2001 сонли асосий ҳисоб ракамини ва бошқа махсус хисоб ракамлари очилган бўлиб, банк операцияларини шу ҳисоб ракамлари оркали амалга оширган.

Жамиятнинг барча ҳисоб ракамларидаги пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқим килиниши контрактлар, шартномалар, ҳисоб варак-фактуралар ва тўлов учун асос бўлувчи ҳужжатларга асосан амалга оширилган

Йил бошига 266705,0 минг сўм пул маблағлари колдиғи мавжуд бўлиб, жорий йилда махсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан тушум 16309103,0 минг сўм пул маблағлари кирим килинган.

Киримга олинган маблағлар қуйдагича сарфланган:

